Кириш. Гиршпрунг касаллиги (ГК) болаларда колопроктологик касалликлар орасида энг кенг тарқалган йўғон ичак туғма патологиялардан биттаси бўлиб, Ауэрбах ва Мейснер асаб чигалларининг етишмовчилиги, ривожланиш нуқсонли ҳисобланади. Ушбу касалликнинг клиник шакллари орасида айнан ректал ультра қисқа шаклининг кам учраши ва диагностик жихатдан кўпчилик ҳолатларда ташҳис қўйилмай қолиши жихатидан ахамиятга сазаворлигини англатади. ГК ининг ультра қисқа шаклида клиник белгиларнинг кам ифодаланганлиги, кўпчилик ҳолатларда уни функционал қабзият сифатида узок муддатларда педиатр ва гастроэнтерологларда даволанишига сабаб бўлади

Болаларда Гиршпрунг касаллигининг эмбриопатогенези.

ГК болалар хирургияси ва колопроктологиясининг долзарб патологияларидан бири ҳисобланади. Ушбу касаллик патогенезида йўғон ичакнинг интрамурал қисм нерв толаларининг (Ауэрбах ва Мейснер нерв чигаллари) тўлиқ ёки қисман етишмовчилиги ётади. ГК нинг этиопатогенезини таҳлил қилиш ушбу касалликнинг келиб чиқиш сабаблари, клиник шакллари ва хирургик даволаш усулини танлашда муҳим ахамият касб этади [2, 3].

Ичаклар нерв тизими автоном нерв тизимининг мустақил бўлими бўлиб, ошқозон ичак тракти моторикаси, секрецияси ва қон айланиш тизимини бошқаради. Унинг ривожланиши ҳомиладорликнинг эрта даврларидан бошланади. Ичак нерв тизими ҳомиладорликнинг 4-5 хафталарида дорсал нейрал найдан ажралиб чиқади ва краниокаудал йўналишда ошқозон ичак найи бўйлаб миграция қилади. Миграция жараёни 12 – хафтагача давом этиб, дистал тўғри ичак қисмида яқунланади. Кейинчалик, нейрал қирра хужайралари кўпаяди, дифференсациялананди, интрамурал ичгаллар шаклланади. Натижада ичак деворида мотор ва секретор фаолиятни таъминловчи мураккаб нейрон тармоқ ҳосил бўлади [4, 5].

ГК да асосий патогенетик омил – нейрал қирра хужайраларининг дистал ичак сегментларига тўлиқ етиб бормаганлигидадир. Бу ҳолат қуйдаги сабабларга кўра юзага келиши мумкин: нейрал қирра хужайраларининг миграциясининг тўхташи, яъни хужайра маълум сегментга етмасдан олдин миграция тўхтади, натижада аганглионар соҳа ҳосил бўлади; пролиферациянинг етарли бўлмаслиги, яъни миграция қилган хужайралар сони етарли бўлмаслиги оқибатида тўлиқ шаклланмасликка олиб келади; дифференсация жараёнининг бузилиши, яъни нейрон ва глиа хужайраларининг тўлиқ етилиб чиқмаслиги функционал нуқсонларни келтириб чиқаради; апоптознинг кучайиши, яъни нейрал хужайраларнинг эрта ҳалок бўлиши ганглиоз элементлар танқислигига сабаб бўлади. Ушбу

жараёнлар натижасида ичакнинг маълум сегментида нерв регуляцияси бутунлай йўқолади [18, 19].

Ганглиоз хужайралари йўқлиги аганглионар сегментда доимий спастик ҳолатни келтириб чиқаради. Бу сегмент бўшаша олмайди ва нажас ўтишига механик тўсиқ ҳосил қилади. Натижада проксимал ичак қисмларида нажас тўпланади, ичак девори кенгайди (иккиламчи мегаколон), ичак моторикаси ва қон айланиши бузилади, ичак деворида иккиламчи яллиғланиш ва дистрофик ўзгаришлар юзага келади. Ушбу ҳолат узок муддат давом этдиган бўлса, ичак қоп сингари кенгайиб, қайта ўз ҳолатига келмасилиги мумкин ва энтероколит авж олади. Баъзи ҳолатларда ичак перфорацияси ва перитонит ҳам юзага келиши мумкин [20, 22].

ГК нинг кўп омили ва генетик жихатдан гетероген касаллик ҳисобланади. Касаллик ривожланишида бир неча генлар иштирок этади, улар энтерал нерв тизими ривожланишини назорат қилади. Энг кўп ўрганилган генлар: RET протоонкогени, EDNRB ва EDN3 генлари, ҳамда SOX10 транскрипция фактори. Ушбу генлардаги мутациялар нейрал қирра хужайраларининг миграцияси ва дифференсациясини бузади. Касаллик спорадик ҳолларда, оилавий шаклларда ва хромосом аномалиялари (хусусан Даун синдроми) билан боғлиқ ҳолда учрайди. Даун синдромли болаларда ГК нинг умумий популяциясининг бир неча баробар кўп учраши аниқланган [16, 19].

Эбрионал ривожланишда миграция қанчалик эрта тўхтаса, аганглионар сегмент шунчалик узун бўлади. Шу асосда қуйидаги клиник – анатомик шакллар фарқланади: қисқа сегментли аганглиоз (энг кўп учрайди), узун сегментли ганглиоз, йўғон ичакнинг тотал аганглиози, ингичка ичакни қамраб олган шакллар. Аганглиоз узунлиги касалликнинг клиник оғирлиги, операция тактикаси ва прогнозини белгилайди [27].

Шундай қилиб, ГК нинг эмбриогенези энтерал нерв тизими ривожланишининг кўп босқичли бузилиши билан боғлиқ бўлиб, асосий сабаб нейрал қирра хужайраларининг миграцияси ва дифференсациясидаги нуқсонлардир. Ушбу жараёнларни чуқур ўрганиш касалликни эрта ташхислаш, тўғри хирургик ёндошувни танлаш ва асоратларни олдини олишда муҳим аҳамиятга эга.

Болаларда Гиршпрунг касаллигининг клиник - анатомик хусусиятлари.

ГК болаларда ичак мотор-эвакуатор функциясининг туғма ва оғир бузилиши билан кечувчи касаллик ҳисобланади. Касалликнинг клиник кўринишлари ва анатомик ўзгаришлари аганглионар сегментнинг жойлашуви, узунлиги ҳамда боланинг ёшига бевосита боғлиқдир. Шу боис ГК нинг клиник анатомик хусусиятларини чуқур ўрганиш касалликни ўз вақтида ташхислаш ва тўғри даволаш тактикасини белгилашда муҳим аҳамият касб этади [7].

ГК да йўғон ичакда характерли морфологик ўзгаришлар кузатилади. Асосий анатомик белги, ичакнинг икки хил ҳолатда бўлиши, яъни дистал аганглионар сегментнинг тор ва спастик ҳолатда бўлиши, ҳамда проксимал иннервацияси мавжуд қисмининг кенгайиб кетиши. Аганглионар сегмент – кўпчилик ҳолатларда тўғри ичак ва сигмасимон ичакнинг қамраб олади. Унинг қуйидаги хусусиятлари мавжуд, яъни ичак бўшлиғининг торайиши, деворининг қалинлашиши, доимий спазм ҳолати, интрамурал нерв чигалининг йўқлиги ёки жуда камлиги. Бу сегмент бўшашини қобилятига эга эмас, шу сабабли нажас массаси ўтишида механик тўсиқ вазифасини бажаради. Проксимал сегмент – аганглионар сегментдан юқорида жойлашади ва ичакда қуйидаги иккиламчи ўзгаришлар юзага келади, яъни ичак бўшлиғининг кенгайиши, мушак қаватининг гипертрофияси, кейинчалик ичак деворининг ингичкалашиши, шиллик қаватда дистрофик ва яллиғланишли ўзгаришлар. Ушбу ўзгаришлар узок муддат давом этган колостазда ҳолатида юзага келади [6].

ГК нинг клиник белгилари боланинг ёшига, аганглионар соҳа узунлиги ва касалликнинг компенсацияланиши даражасига боғлиқ. Касалликнинг бола ёшига нисбатан кечишини кўриб чиқадиган бўлсак:

чақалоқларда – ГК нинг кўпинча ҳаётининг илк кунларидаёқ клиник белгилар намоён бўла бошлайди. Асосий белгилар қуйидагилардан иборат: меконийнинг 24-48 соат ичида чиқмаслиги, қориннинг кескин дам бўлиши, сафро аралаш қусиш, ичак перистальтикаси

кучайиши, овқатланишлан бош тортиш. Клиник белгининг аниқ намоён бўлиши асосан аганглионар соҳанинг узунлигига боғлиқ, яъни тотал аганглиозда механик тикилиш манзараси ривожланиб, шошилич жаррохлик аралашуви талаб этади ва илеостома амалиёти бажаришга тўғри келади.

Эрта болалик даврида – агарда чақалоқлик даврида аниқланмаса демак сурункали шакл компенсация босқичида кечганлигини англатади. Қуйидаги клиник белгиларга аҳамият қаратиш лозим: доимий қабзият, нажас фақат клизма орқали келиши, қориннинг ассиметрик дам бўлиши, иштаҳанинг пасайиши, тез чарчаш. Болада жисмоний ривожланишдан аста секин орқада қолиш намоён бўла бошлайди.

Катта ёшдаги болаларда - ГК оғир метаболик ва функционал бузилишлар билан кечади, яъни узоқ давом этувчи қабзият (5-7 кунлаб дефекация бўлмаслиги), нажас массасининг тошдек қотиши, интоксикация аломатлари, камқонлик, гипопроотеинемия. Бу ҳолатлар боланинг умумий ҳолатини сезиларли даражада ёмонлаштиради [15].

ГК нинг клиник кечишига кўра учта асосий шаклга бўлинади:

Компенсацияланган босқич – бу босқичда беморда қабзият фақат диета ва енгил клизма орқали бартараф этилади, боланинг умумий аҳоли қониқарли бўлади, ақлий ва жисмоний ривожланишда ўзгариш кузатилмайди.

Субкомпенсация босқичи – беморда нажас клизмасиз келмайди, қорин дам бўлиши кучаяди, иштҳа сусаяди, болага вазн қўшилмайди.

Декомпенсация босқичи – беморда доимий колостаз аломатлари, интоксикация, электролит бузилиши ва оғир кечувчи энтероколит кузатилади. Бу шаклда шошилич операция қилиш талаб этилади [3].

ГК да Гиршпрунг ассоцирланган энтероколит кўп учрайди, яъни ушбу ҳолат беморларда қуйидаги клиник белгилар билан намоён бўлади: қорин доимий дам бўлиши, интоксикация кучайган даврда тана хароратининг юқори бўлиши, суюқ ўткир хидли нажас, клизмада ботқоқсимон кўпикли нажас бўлиши, қусиш, дегидратация, септик ҳолатлар ҳам кузатилиши мумкин. Одатда энтероколит тўғри ва комплекс даво олиб борилмаса, энг асосийси колостаз бартараф этилмаса узоқ муддат давом этиши мумкин [9].

ГК да клиник белгиларнинг аниқ намоён бўлиши энг аввало аганглионар сегментнинг узунлигига боғлиқ, яъни аганглионар соҳа қанчалик узун бўлса шунчалик боланинг эрта ёшида намоён бўлади ва клиник белгилар яққол ривожланади. Ўз навбатида аганглионар соҳа қанчалик қисқа бўлса касаллик шунчалик компенсацияланган ҳолатда кечади клиник белгилар яққоллиги суст бўлади, кўпчилик ҳолатларда педиатр ва гастрэнтерологлар томонидан сурункали қабзият деб даволаниб юради [10].

Шундай қилиб, ГК нинг клиник анатомик хусусиятлари ичакнинг морфологик ўзгаришлари ва боланинг ёшига мос клиник белгилар билан тавсифланади. Аганглионар сегментнинг спастик ҳолати ва проксимал ичакнинг кенгайиши касалликнинг асосий патоморфологик белгиси ҳисобланади. Клиник шаклларни тўғри баҳолаш ва асратларни ўз вақтида аниқлаш болаларда ҳаёт учун ҳавфли ҳолатларни олдини олишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Болаларда Гиршпрунг касаллигининг диагностик мезонлари.

ГК ни ўз вақтида ва аниқ ташҳислаш болаларда оғир асратлар, хусусан колостаз, энтероколит ва септик ҳолатларни олдини олишда ҳал этувчи аҳамиятга эга. Касалликнинг клиник белгиларининг турли туманлиги ва бошқа касалликлар билан ўхшашлиги диагностикада комплекс ёндошувни талаб қилади. Шу сабабли Гиршпрунг касаллигини ташҳислаш клиник инструментал, функциоанл ва морфологик усулларни ўз ичига олган диагностик мезонларга асосланади [8, 12].

ГК ни ташҳислашда биринчи навбатда клиник белгилар ва анамнезга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Айниқса чақалоқларда касалликнинг илк белгиларини тўғри баҳолаш муҳим аҳамият эга ҳисобланади. Асосий анамнестик белгиларга: меконийнинг 24-48 соатда келмаслиги, туғилгандан кейин тез орада қорин дамланиши, сафро аралаш қусиш. Каттароқ ёшдаги болаларда сурункали қабзият билан азият чекиши, нажас фақат клизма орқали келиши,

кориннинг доимий дам бўлиши, жисмоний ривожланишдан орқада қолиши. Агарда беморларда ушбу белгилар кузатилса шартли равишда махсус текширишларни ўтказиш ва ГК бор ёки йўқлиги тасдиқлаш лозим [24].

Беморларни ГК да объектив кўриқда қуйидаги белгиларга алоҳида аҳамият қаратиш керак, яъни қорин хажм жихатдан катталиги, унинг доимо дам бўлиши, пальпацияда кўпчилик ҳолатларда “лой” симптомининг мусбат бўлиши ёки йўғон ичак бўйлаб нажас массаларининг пайпасланиши, кўкрак қафасининг деформацияланиши. Шартли равишда тўғри ичакни бимануал текшириш, яъни бармоқ орқали ректал текширишни қилиш лозим. ГК нинг энг муҳим клиник белгиларидан биттаси бу тўғри ичак ампуласининг бўш бўлиши, анал сфинктерлар тонусининг юқорилиги, бармоқ ичакдан чиқарилиш билан газ ва нажас чиқиш ҳолати кузатилади [13].

ГК ни инструментал текширишда “олтин стандарт” ҳисобланган усул, бу йўғон ичакни контраст текшириш усули ирригография ҳисобланади. Ушбу текширишда қуйидаги дистал сегментнинг торлиги ва проксимал сегментнинг кенгайганлигини кўриш мумкин, супрастенотик кенгайиш кузатилади. Ирригография ГК нинг клиник-анатомик шаклини аниқлашда муҳим аҳамият касб этади [17, 25].

ГК да функционал текшириш усулларида энг аҳамиятлиси бу аноректал монометрия текшириш усулидир. Асосий диагностик мезон ректоанал ингибитор рефлексининг (RAIR) йўқлигидир. Соғлом болаларда тўғри ичак кенгайганда ички анал сфинктер бўшашилади. ГК да эса ушбу рефлекс кузатилмайди. Ўз навбатида ГК учун бу белги специфик белгилардан биттасидир. Функционал текшириш усулларида муҳим аҳамиятга эга бўлган яна битта текшириш усули бу дефекография усулидир. Ушбу усулда йўғон ичак барий кўйқаси юборилгандан кейин ён проекцияда дефекация жараёни рентгеноскопия ёрдамида кузатилади. Бунда агарда анал каналда тонус юқори бўлмаса анал канал очилиши, ректоанал бурчакнинг бемалол ёзилишини кўришимиз мумкин. Акс ҳолатда анал каналнинг очилишининг қийинлиги ва орқа ректоцеле тасвирини кўришимиз мумкин [22, 23].

ГК да якуний ташҳисни қўйишда морфологик текшириш муҳимдир. Бу текширишни амалга ошириш учун ректал биопсия амалиётини бажариш лозим. Бу “олтин стандарт” ҳисобланади. Умумий наркоз остида тўри ичак тишсимон чизикдан 2,0-2,5 см юқори қисмдан Свенсон услида ичакнинг тўлиқ қатлами олиниши керак. Олинган тўқимадан препарат тайёрланиб ўрганилганда, ганглион хужайраларнинг йўқлиги, нерв толалари гипертрофияси, ациетилхолинэстераза ферментининг фаоллигининг ошишини кўришимиз мумкин. Гистологик текширув касалликни аниқ ташҳис қўйишга имкон берадиган ягона усуллардан биттасидир [26, 28].

ГК ни қуйида келтирилган патологиялар: функционал мегаколон, гипотериоз, ичак стенози ва атрезияси, муковицидоз каби касалликлар билан шартли равишда дифференсация қилиш мақсадга мувофиқ. Дифференциал ташҳисот нотўғри бажариладиган операциялар улушини камайтиради.

Шундай қилиб, ГК нинг диагностикаси комплекс ёндошувни талаб этади. Клиник белгилар, ирригография, аноректал монометрия ва ректал биопсия натижаларининг бир бирини тўлдириши аниқ ва ишночли ташҳис қўйиш имконини беради. Морфологик текшириш усули ўз навбатида радикал операциянинг бажарилишига асос бўлиб ҳисобланади. Касалликка қанчалик вақтли ташҳис қўйилса ичакларда юзага келадиган иккиламчи ўзгаришларни олди олинади, энг асосийси операциядан кейинги натижа яхши бўлиш имконини беради.

Болаларда Гиршпрунг касаллигини хирургик даволашда замонавий ёндошув.

ГК да консерватив даволаш вақтинчалик симптоматик характерга эга бўлиб, касалликнинг асосий сабабини бартараф этмайди, аммо юзага келдиган йўғон ичакдаги иккиламчи ўзгаришларни олдини олади. Шу сабабли ГК да даволашнинг ягона ва радикал даволаш усули бу хирургик операциядир. Ҳозирги кунда тиббиётда технологиялар ривожланиши билан ГК да хирургик даволаш усулларида ҳам ривожланиш тенденциялари мавжуд. Яъни замонавий хирургик даволаш усуллари кам инвазив эндоскопик даволаш усуллари қўллаш тарафдорлари йилдан йилга ошмоқда [1, 7, 11].

ГК да хирургик даволашнинг асосий мақсади нимага қаратилган: аганглионар сегмент тўлиқ олиб ташлаш, нормал иннервацияланган ичак сегментини анал каналга олиб тушиши, анал сфинктер аппаратини зарар етказмаслик ва сақлаш, ичак моторикасини тиклаш. Операция олдидан боланинг умумий ахволини барқарорлаштириш, электролит бузилишларини тиклаш ва ичакни нажа массаларидан тозалаш муҳим аҳамият касб этади [14].

ГК ни даволашда замонавий тенденцияга кўра хирургик даволашда боланинг ёшига эмас, балки умумий ахволи, агглиоз соҳа узунлиги ва асоратлар мавжудлигига боғлиқ ҳолатда белгиланади. ГК ни даволашда олимлар орасида баъзилари бир босқичли даволаш тарафдорлари бўлса, бошқалари икки босқичли даволашни мақул деб ҳисоблашади. Бир босқичли операцияларнинг ўзига хос афзалликлари мавжуд, яъни стома қўйишга эҳтиёжни йўқлиги, беморларнинг шифохонада бўлиш муддатининг қисқариши, болаларда психоэмоционал жароҳатланишнинг камайишидир. Олимлар фикрига кўра бир босқичли операциялар айниқса янги туғилган чақалоқларда ва эрта ёшдаги болаларда бажариш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблашади. Икки ёки уч босқичли операциялар ГК нинг декомпенсацияланган турларида, қўшимча патологиялар мавжуд бўлганда, ривожланган энтероколитда, ичакнинг кескин кенглигида, радикал операцияга қарши кўрсатма бўлган ҳолатларда амалга оширилади [21, 29, 30].

ГК да анаънавий хирургик даволаш усуллари келдаиган бўлсак, улар бажарилиш техникаси жихатдан турлича, аммо мақсад битта яъни аганглионар соҳани бартараф этишга қаратилган. Энг кенг тарқалган ва кўп бажариладиган анаънавий қорин оралик проктопластика усуллари куйидагилардир: Swenson, Duhamel, Soave ва бошқалар. Swenson операциясида аганглионар сегмент тўлиқ резекция қилинади ва иннервацияси сақланган нормал ичак тўғридан тўғри анал каналга анастомоз қилинади. Ушбу усул бажарилиши жихатидан физиологик ҳисобланади, аммо техник жихатдан мураккаблиги сабабли камроқ бажарилади. Duhamel операцияси иннервацияси сақланган ичак тўғри ичак орқасидан, яъни ретроректал туширилади ва аганглионар сегмент билан “охир-ёнбош” анастомоз қўйилади. Бу усулнинг афзаллиги анал сфинктерларга зарар етказилмайди. Аммо тўғри ичакда чўлтоқ соҳа қолиши ҳисобига ушбу жойда нажас массаларининг йиғилиб қолиши ва пародоксал нажас ушлолмасликка кўпчилик ҳолатларда сабабчи бўлади. Soave операциясида аганглионар ичак шиллик ва шиллик ости қавати мушак қаватидан демуккозация қилинади ва нормал ичак шунинг ичидан туширилади. Бу усул болаларда кенг қўлланиладива яхши функционал натижаларга эга. Ушбу усулда тўғри ичак мушак қавати сақланиши ва туширилган ичакнинг мушак қавати ҳисобига, мушаклар дупликацияси юзага келади. Баъзи ҳолатларда нажас ушлолмасликка сабаб бўлади [9, 19, 31].

Ҳозирги кунда замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолатда ГК ни даволаш бўйича кам инвазив эндоскопик даволаш усуллари кенг тарғиб қилинмоқда. Шулардан Transanal endorectal pull through (ТЕРТ) усули ҳозирги кунда энг замонавий ва самарали услурдан деб ҳисоблашади. Ушбу усулнинг афзалликлари қорин олд девори кенг лапаротомия қилинмасдан бажарилади, операция пайтида қон кетиш хажми кам, бемор операциядан кейинги даврда тез орада ойққа туради, яхши косметик натижага эга ва энг асосийси операциядан кейинги даврда асрталар нисбати кам фоизни ташкил этади. Ушбу усул айнан ГК нинг қисқа сегментли шаклларида ва беморларнинг ёши 5 ёшгача бўлаганларида қўлланилса жуда яхши натижа олинади деб ҳисоблашади. Лапароскопик ассистентлик орқали қорин оралик проктопластика амалиёти, ГК нинг шакли ва беморнинг ёшилан қаттиқ назар амалга ошириш мумкин бўлган усуллардан биттасидир. Ушбу усулани яна бир афзал томонлари нормал иннервацияланган ичак сегментини аниқлаш усун ичак деворидан зинапоясимон биопсия олиш ва экспресс морфологик текшириш ўтказиш имкониятини беради. Бундан ташқари йўғон ичакни артериал аркаси бўйича керак бўлган соҳагача бемалол ажратиш ва қойн айланишни бузмасдан пастга тушириш имкони мавжуд. ГК нинг ректал ультра қисқа шаклида сфинктеротомия амалиёти охириги пайтларда олимлар томонидан кенг тарғиб қилинмоқда. Касалликнинг айнан ультра қисқа шаклида эффективлик жихатидан ушбу амалиёт юқори ҳисобланади. Афзал томони кам инвазивлиги, қорин очилмаслиги, бемор қисқа

муддатда оёққа туриши ва асоратлар фоизининг камлигидадир. Тўғри ичак ички анал сфинктерни томия қилиш ҳисобига гипертонус бартараф этилади ва дефекация жараёни яхшиланади, нажас келиши ва газ чиқиши яхшиланади [1, 11, 15, 32].

ГК да операциядан кейинги асоратлар тахлилига келадиган бўлсак, асоратлар фоизи энг аввало операция усули ва бажарилиш вақтини нотўғри танланиши, қолаверса техник жихатдан нотўғри бажарилишига боғлиқдир. Нафақат ГК да, қолаверса ҳар қандай операциядан кейинги яхши натижа, бу ташҳисни ўз вақтида ва тўғри қўйилишига, операция усулини тўғри танланиши ва техник жихатдан мукамал бажарилишига, бундан ташқари операциядан кейинги даврда олиб бориладиган реабилитация комплексининг тўғри олиб борилишига боғлиқ. ГК да операциядан кейинги даврда ўртача 20-40% ҳолатларда асорат кузатилади. Эрта даврдаги асоратларни таҳлил қиладиган бўлсак, булар анастомоз етишмовчилиги – 1-5%, жарохатнинг йиринглаши – 5-10%, ичак тутилиши – 3-10%, қон кетиш – 5% гача бўлган нисбатларда учрай. Кечки асоратларга – энтероколит – 10-40%, сурункали қабзият – 5-25%, анастомоз соҳасининг чандиқли торайиши – 5-15%, қайта операциялар – 5-10% киради. ГК да операциядан кейинги асоратлар ривожланишига олиб келувчи хавф факторларига – тотал ёки субтотал аганглиоз ҳолати, оғир энтероколит фонида операция, кам вазник ва чала туғилганлик, қўшимча синдромлар мавжудлиги ва энг асосийси операциядан кейинги даврнинг нотўғри олиб борилиши билан боғлиқдир [7, 9, 17, 21, 33].

Шундай қилиб, болаларда ГК да хирургик даволаш замонавий болалар хирургиясининг энг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Кам инвазив ва бир босқичли операция усулларининг жолрий этилиши касалликнинг самарали ва хавфсиз даволаш имконини бермоқда. Хирургик даволашни индивидуал танланиши ва реабилитация жараёнини комплекс назорат остида олиб борилиши ижобий натижани таъминлайди.

Хулоса. Адабиётлар тахлили шуни кўрсатдики, ГК нинг ривожланиши энтерал нерв тизимининг эмбрионал шаклланиш жараёнида нейрал қирра хужайраларининг миграцияси, пролиферацияси ва дифференсацияси бузилиши билан чамбарчас боғлиқ. Ушбу бузилишлар натижасида йўғон ичакнинг маълум сегментида интрамурал нерв чигаллари шаклланмайди ва агнгионар соҳа ҳосил бўлади. Бу эса ичакнинг доимий спастик ҳолатига, нажас эвакуациясининг бузилишига ва иккиламчи мегаколон ривожланишига олиб келади.

Диагностика масалалари шуни кўрсатдики, ГК ни ташҳислашда битта текшириш усулининг ўзи, яъни ирригграфияни ўтказишни ўзи кифоя бўлмайди. Қўйилган ташҳис янада аниқ бўлиши учун комплекс инструментал ўтказиш мақсадга мувофиқ, яъни ирриггорфия, аноректал монометрия, дефекография ва морфологик текшириш. Тахлиллар шуни кўрсатдики, хирургик даволашнинг асосий моҳияти патологик агангионар соҳани бартараф этишдан иборат. Сўнги йилларда кам инвазив эндоскопик ва бир босқичли операцияларга кенг эътибор қаратилмоқда. Айнан ушбу усулларнинг операциядан кейинги натижалари яхши, кам жарохатли ва иқтисодий жихатдан самарали ҳисобланади. Беморларнинг ҳаёт сифати ҳам анча яхшиланади. Шу тариқа адабиётлар тахлилига асосланиб шуни айтиш мумкинки, ГК ни ташҳислаш ва даволаш масалаларида хали тўлиқ ўз ечимини топмаган масалалар мавжуд ва ушбу йўналиш бўйича илмий изланишлар олиб бориш лозимлигини англатади.

REFERENCES/CHOСКИ/IQTIBOSLAR:

1. Абайханов Р. И. Оптимизация хирургического лечения коротких форм болезни Гиршпрунга у детей.
2. Алиев М. М. и др. Выбор метода коррекции послеоперационной анальной инконтиненции у детей //Молодой ученый. – 2020. – №. 22. – С. 433-437.
3. Ашкрафт К.У., Холдер Т.М. Детская хирургия. – М.: ГЭОТАР-Медиа, 2015. – 1024 с.
4. Исаков Ю.Ф., Степанов Э.А., Дронов А.Ф. Детская хирургия. – М.: ГЭОТАР-Медиа, 2016. – 880 с.
5. Баиров Г.А. Хирургия пороков развития у детей. – СПб.: Питер, 2014. – 656 с.
6. Дронов А.Ф., Смирнов А.Н. Болалар колопроктологияси. – М.: Медицина, 2013. – 412 с.

7. Исмоилов С.И., Раҳмонов Ж.Р. Болалар хирургияси. – Тошкент: Ибн Сино, 2018. – 560 б.
8. Курбанов Х. А. Болезнь Гиршпрунга: современные представления о патогенезе, диагностике и принципах лечения //Zamonaviy tibbiyot jurnali (Журнал современной медицины). – 2026. – Т. 12. – №. 1. – С. 534-539.
9. Мирзоев Д. С. Роль ультразвукового метода исследования при болезни Гиршпрунга //Биология и интегративная медицина. – 2026. – №. 1 (79). – С. 421-436.
10. Мирзоев Д. С. Реабилитация после хирургического вмешательства: ключевые аспекты и этапы у детей с болезнью Гиршпрунга //Биология и интегративная медицина. – 2026. – №. 1 (79). – С. 437-463.
11. Мирзоев Д. С. Современные представления о болезни Гиршпрунга у детей (обзор литературы) //Биология и интегративная медицина. – 2026. – №. 1 (79). – С. 320-371.
12. Никифоров А. Н., Дегтярев Ю. Г., Баранов С. Ю. Сфинктеромиотомия внутреннего анального сфинктера при лечении ультракороткой формы болезни Гиршпрунга у детей //Актуальные вопросы патологии детского возраста. – 2020. – С. 128-129.
13. Турсунов Б.Х., Абдуллаев А.А. Болаларда Гиршпрунг касаллигини хирургик даволаш натижалари // Тиббиёт журналы. – 2019. – №3. – Б. 45–49.
14. Шамсутдинов Р.Ш. Болаларда туғма ичак патологияларининг клиник хусусиятлари // Педиатрия ахборотномаси. – 2020. – №2. – Б. 22–27.
15. Aliev M. M., Terebaev B. A., Abzalova S. R. A comparative study of the surgical procedures to treat hirschsprung disease in children //European Journal of Molecular and Clinical Medicine. – 2020. – Т. 7. – №. 2. – С. 3142-3146.
16. Alshahwani N. et al. Perioperative outcomes in primary neonatal pullthrough versus pullthrough in older children with Hirschsprung disease: a systematic review and meta-analysis //Scientific Reports. – 2026.
17. Alzate-Ricaurte S. et al. Artificial Intelligence in the Diagnosis of Hirschsprung Disease: A Scoping Review and Rationale for a Multicentric Approach //Journal of Pediatric Surgery. – 2026. – С. 162932.
18. Amiel J., Lyonnet S. Hirschsprung disease, associated syndromes, and genetics // Journal of Medical Genetics. – 2001. – Vol. 38. – P. 729–739.
19. Braun Y. et al. Diagnostic Assessment of Hirschsprung Disease Using Fluorescence Confocal Microscopy: A Feasibility Study //Journal of Pediatric Surgery. – 2026. – С. 162973.
20. Byström C. Effects of Hirschsprung disease : дис. – Karolinska Institutet, 2026.
21. Holschneider A.M., Puri P. Hirschsprung's Disease and Allied Disorders. – Springer, 2008. – 450 p.
22. Coran A.G., Adzick N.S., Krummel T.M. Pediatric Surgery. – 7th ed. – Elsevier, 2012. – 1900 p.
23. Erculiani M. et al. Multidisciplinary management of postoperative continence issues in rectosigmoid Hirschsprung disease: a unicentric experience on 86 patients //Pediatric Surgery International. – 2026. – Т. 42. – №. 1. – С. 71.
24. Fransson E. Hirschsprung's disease-Diagnostic innovations : дис. – Lund University, 2026.
25. Gebreziher Y. T. et al. The Operating Room Global Journal (TORGJ). – 2026.
26. Harron K. L. et al. Childhood outcomes in children with Hirschsprung disease: a population-based data linkage study in England //Frontline Gastroenterology. – 2026.
27. Teitelbaum D.H., Coran A.G. Hirschsprung disease and related neuromuscular disorders of the intestine // Pediatric Surgery. – Elsevier, 2012. – P. 1259–1285.
28. Terebaev B., Abzalova S. Correcting postoperative anal incontinence in children //European Journal of Molecular and Clinical Medicine. – 2020. – Т. 7. – №. 2. – С. 997-1003.
29. Terebaev B. A. et al. Analysis of causes of postoperative anal incontinence in children //European Science Review. – 2018. – №. 5-6. – С. 196-199.
30. Kenny S.E., Tam P.K.H., Garcia-Barcelo M. Hirschsprung's disease // Seminars in Pediatric Surgery. – 2010. – Vol. 19. – P. 194–200.

31. Heanue T.A., Pachnis V. Enteric nervous system development and Hirschsprung's disease // Nature Reviews Neuroscience. – 2007. – Vol. 8. – P. 466–479.
32. Guidelines for the diagnosis and management of Hirschsprung disease // Journal of Pediatric Surgery. – 2017. – Vol. 52. – P. 154–162.
33. World Health Organization. Congenital anomalies of the gastrointestinal tract. – WHO Press, 2016.
34. Rizaev JA, Shamsiev JA, Zayniev SS Ways to Optimize Patient Outcomes and Improve the Quality of Medical Care in Surgically Correctable Congenital Malformations in Samarkand //European Journal of Research Development and Sustainability. – 2021. – T. 2. – No. 3. – pp. 45-48.
35. Alimjanovich, R. J. "MINIMALLY INVASIVE METHODS OF TREATMENT OF UROLITHIASIS IN CHILDREN. REVIEW OF THE CURRENT STATUS OF THE ISSUES." *JOURNAL OF BIOMEDICINE AND PRACTICE* 8.2 (2023)

БИОМЕДИЦИНА ВА АМАЛИЁТ ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ БИОМЕДИЦИНЫ И ПРАКТИКИ

JOURNAL OF BIOMEDICINE AND PRACTICE

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; E-mail: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; E-mail: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000